



Ислом Нури

Эътиқод, тарих, ибрат, одоб
(*Мактаб ёшидаги болалар учун илк Ислом дарслари*)
Хассон ибн Собит
1424 х. – 2003 м.

Ота-оналар ва устозларга

Фарзандимиз ёшлигидан бошлаб эътиқодли, билимли, одобли, ва гайрат-шижоатли бўлиб усиши учун унга кандай тарбия бермогимиз керак? Болага гўдаклик чогида нималарни ўргатиш лозим? Бунинг учун кайси адабиётларга мурожат килсак бўлади? Табиийки, бу саволларнинг жавоби жуда хам ўнгай эмас. Болажонларнинг исломий кутубхонаси хали анча кашшок. Кўлингиздаги китобча шу муаммони хал килиш йўлидаги кичик бир кадамдир. Китобчада катталар учун хам мухим саналадиган маълумотлар ёш боланинг онгига мос равища, содда усул билан болалар тилида хикоя килинади.

Боламизнинг тарбияси мукаммал бўлишига эришиш максадида унга ёшлигидан бошлаб хар соҳадан шингил-шингил маълумотлар бериб боришимиз жуда фойдалидир. Болани хар бир нарса ва воеадан ибрат олишга, тугри хulosса чикиришга ўргатишимиш зарур. Бу ўринда тарихий мисолларга мурожаат килишнинг ахамияти катта. Ушбу китобчанинг услуби мана шу йўналишдадир. Унда оламнинг яралиши хакида кискача тушунча берилади. Аллоҳ, дин, пайгамбарлар ва хоказо бошка мавзулар навбат билан бирма-бир зикр килинади. Дарс давомида керакли хulosалар чикириб борилади. Булар боланинг ёшлиқ чогида билиб олиши зарур бўлган бирламчи маълумотлардир. Зоро, бу билимлар боланинг рухиятига таъсир килади, уни покиза хаёт кечиришга ўргатади.



Кўпинча боланинг одобсиз ёки безори бўлиб колиши, ота-онасининг гапига кулок солмай ўсиши, ўсмир бўла туриб хам ибодатга астойдил киришиб кетолмаслиги унга Аллоҳ, фаришталар, дин, пайгамбарлар, Киёмат, жаннат, дўзах ва хисоб-китоб хакида унинг ёшига мос равишда тушунтирилмаганидан хам келиб чикади. Агар бола билан бу мавзуларда чиройли ва мунтазам сухбатлар ўтказиб турилса, унинг хулки одобида, илм ва ибодатга кизикишида албатта ижобий ўзгаришлар пайдо бўлади, иншоаллоҳ.

Ота-оналар ва устозлар хар куни ёки кун ора бу китобдан биттадан дарсни боланинг ўзига овозини чикартириб ўқитадилар. Зарур бўлса, ўзлари ўкиб берадилар. Кейин ундаги мавзуни эҳтиёжга караб кенгайтириб тушунтирадилар. Ундан сўнг боладан тушунган нарсасини гапириб беришни сўрайдилар. Хар бир дарс сўнгида берилган коидани ўкувчининг кобилиятига караб, ёд олишни тавсия этадилар. Ўтилган дарсни мустакил ўкиб тайёрлашни топширадилар. Эртаси куни боладан кечаги дарс ва унинг сўнггидағи коидани сўрайдилар.

Рисолада иймон ва Ислом руқнлари баён килинмаган. Улар алохидагитобларнинг мавзусидир. Ушбу китобчанинг вазифаси - болага Ислом дини хакида бирламчи тушунча беришдан иборат.

Рисолани тайёрлашда мўътамад манбалардан, жумладан, И мом Исбахонийнинг «Сифатул-жанна» ва И мом Байхакийнинг «Исботу азобил-кабр» китобларидан фойдаланилди.



Мусулмон боланинг китобчаси | 3

Мундарижа